

## ШАХСНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ МЕТОДЛАРИ

**Акрамова Дилдора Эргашевна**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси  
кафедраси ўқитувчиси

**Шералиева Нозима Умиджон қизи**

Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим педагогикаси ва психологияси  
йўналиши талабаси

**Аннотация:** Тарбия методларининг ижобийси ёки салбийси бўлмайди. Кўлланиладиган методнинг самарасини мавжуд шарт-шароитлар нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин. Тарбия методларини мақсадга мувофиқ танлаш бир катор омилларга боғлиқ бўлади.

**Калит сўзлар:** Тарбия таълим тизими, педагог, педагогик фаолият, вазифалар, фаолият.

## PERSONAL SELF-EDUCATION METHODS

**Abstract:** There are no positive or negative aspects of educational methods. The effectiveness of the used method can be evaluated in terms of existing conditions. Appropriate selection of educational methods depends on a number of factors.

**Key words:** educational system, pedagogue, pedagogical activity, tasks, activity.

Шахснинг ўз-ўзини тарбиялаш методлари – шахснинг ўзини ўзи идора этиш (ўзини ўзи мухокама этиш, ўзига ўзи буйруқ ёки ҳисобот бериш) усуллари бўлиб, уларнинг икки тури фарқланади:

1) ўзини ўзи назорат қилиш методлари – ўзининг шахси, фазилатлари, ҳатти-харакатлари ва хулқ-авторини таҳлил этиши, ижобий сифатларини бойитиши ва салбийларини бартараф этиши;

2) ўзини ўзи баҳолаш методлари – ўзини ўзи назорат этиш натижалари орқали ўзига ўзи баҳо бериши.

Тарбия методларининг ижобийси ёки салбийси бўлмайди. Қўлланиладиган методнинг самарасини мавжуд шарт-шароитлар нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин. Тарбия методларини мақсадга мувофиқ танлаш бир қатор омилларга боғлиқ бўлади:

1. Тарбиянинг мақсади ва вазифалари (мақсад нафақат методларни ифодалайди, балки уларни аниқлаб беради: мақсад қандай бўлса, унга эришиш методлари шунга мувофиқ бўлади).

2. Тарбиянинг мазмuni (маълум бир тарбиявий вазифа бир неча фикрлар, қарашлар билан ҳал этилиши ёки тўлдирилган бўлиши мумкин. Шунинг учун тарбия методларини тарбиянинг назарий мазмунни билан эмас, балки аниқ амалий фикр, қараш билан боғлаш муҳим аҳамият касб этади).

3. Тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш (ҳар қандай тарбиявий таъсир ёки вазифа тарбияланувчиларнинг ёши билан боғлиқликда амалга оширилади. Ёш оддийгина сон кўрсаткичи эмас, балки унда эгалланган ижтимоий тажриба, психологик ва ахлоқий сифатлар ривожланишининг даражаси ўз аксини топади. Айтайлик, масъулият туйғусини таълимнинг барча босқичларида шакллантириш мумкин, бироқ у турли босқичларда ҳар хил методлар билан вужудга келтирилади).

4. Жамоанинг шаклланганлик даражаси (ўз-ўзини бошқаришнинг жамоавий шакллари педагогик таъсир кўрсатиш методларининг қўлланилишини ўзгартиради, яъни бошқарувнинг мослашувчанлиги тарбиячининг тарбияланувчилар билан муваффақиятли ҳамкорлигини таъминлайди).

5. Тарбияланувчиларнинг индивидуал ўзига хослиги (умумий дастурлар, умумий методлар тарбиявий ўзаро таъсирнинг ягона асоси бўла олмайди: уларга

ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, ўзига хослигини ҳисобга олиб тегишли тузатишлар киритилиши зарурки, бу ўқувчилар “Мен”ини рўёбга чиқаришга имкон берадиган методларни қўллашни тақозо этади).

6. Тарбиявий шарт-шароитлар (уларга синфда (гурухда) юзага келадиган муносабатлар: жамоадаги иқлим, педагогик раҳбарлик усули ва бошқалар тегишли бўлиб, тарбия амалга ошириладиган шароитлар педагогик вазиятлар дейилади).

7. Тарбия воситалари (тарбия методлари тарбия жараёнининг таркибий қисми сифатида юзага чиқадиган тарбия воситаларидан, масалан, муайян бир методларни қўллаш учун зарур бўлган кўрсатмали қуроллар, тасвирий ва мусиқий санъат асарлари ёки оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишини тақозо қиласди).

8. Педагогик малака даражаси (тарбиячи, одатда, ўзи биладиган ва қўллай оладиган методларни танлайдики, кўплаб методлар мураккаб бўлганлиги учун ўқитувчидан кўп куч, масъулият талаб этилади, бироқ барча педагоглар бир хил кучли, масъулиятли ва малакали бўлмайди, бу эса тарбия методларидан фойдаланиш самародорлиги турлича бўишига олиб келади).

9. Тарбиялаш вақти (тарбиявий таъсирлар ёки тадбирларнинг мақсади катта, лекин вақт кам бўлса, “кучли ҳаракатга келтирувчи” методлар қўлланилади, одатдаги шароитларда эса тарбиянинг “оддий” методларидан фойдаланилади. Тарбиянинг “кучли ҳаракатга келтирувчи” ва “оддий” методларга бўлиниши шартли бўлиб, биринчиси танбех бериш, мажбурлаш билан, иккинчиси насиҳат қилиш, доимий ўргатиш билан боғлиқ бўлади).

10. Куттилаётган натижа (педагог қўллайдиган методлари қандай натижаларга олиб келишини олдиндан кўра билиш керак).

11. Тарбия жараёни натижаларини баҳолаш (унинг мезонлари ва кўрсаткичлари, яъни: ўзаро муносабатлар; тарбиявий машғулотларнинг ташкил этилиши; тарбиявий вазифаларнинг тўғри режалаштирилиши ва танланиши; тарбия методикаси ва ўқувчи шахсининг тарбияланганлиги – ўзлаштирилган

маънавий-ахлоқий билим ва қўникмалар, одат ва фазилатлар (эзгулик, адолат, гўзаллик) ҳажми, уларни амалий фаолиятда қўллаш ва баҳолаш даражалари (қониқарсиз; мушкул; қониқарли; яхши; юқори, энг мақбул) педагог томонидан аниқ белгиланишига боғлиқ бўлади).

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

- 1.Жуманова Ф., Авазова С., Жобборова Г., Хуснетдинов У. Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, “Ishonchli hamkor”, 2020. - 580 б.
- 2.Akramova, D. (2022). BO'LAJAK PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDAGI FAOLIYATI. Science and innovation, 1(B8), 322-326.
- 3.Akramova, D. (2022). Oliy ta'lif muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. Science and innovation, 1(B8), 2150-2153.
- 4.Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MEHANIZIMLARINI RIVOJLANTIRISH TEHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. PEDAGOOGS jurnali, 26(1), 13-17.

